*Дўст билан обод уйинг*

# ҚАДРДОНЛАР УЧРАШУВИ

***Шу куни туманнинг барча қишлоқ ва маҳаллалари байрам либосига бурканди. Дўстликни мадҳ этувчи шиор ва лавҳалар кўчалар кўркига кўрк қўшиб турибди.***

Меҳмонлар туман чегарасида карнай-сурнай садолари остида, гулдасталар билан тантанали равишда кутиб олинди. Барча бир-бири билан ака-ука, оға-инидек қучоқлашиб кўришар, тожик ва ўзбек тилида ҳол-аҳвол сўрашарди. Бу ҳаяжонли дақиқаларни ифодалаш қийин. Чунки бу икки туман бир воҳада жойлашган бўлиб, бир ариқдан сув ичади. Об-ҳавоси, ер шароити ҳам деярли бир хил. Улар йиллар оша бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлиб келганлар, қиз олиб, қиз берганлар, тўй-томошаларни бирга ўтказганлар. Аммо, ўтиш даврининг қийинчиликлари туфайли, улар вақтинчалик ҳижрон азобини чекишга мажбур бўлдилар.

Мана, ниҳоят Республикаларимиз Президентларининг абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага имзо чекишлари туфайли қардош, қондош ва қўшни икки халқнинг азалий биродарлиги қайта тикланди. Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда эт билан тирноқни ажратиб бўлмаслиги барчанинг хаёлидан ўтган бўлса ажаб эмас.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг, меҳмонлар гуруҳларга бўлинишиб, туман хўжаликларида, айрим корхона ва муассасаларда бўлдилар. «Зафар» қўрғонидаги 900 ўринли коллеж, «Бекобод» жамоа хўжалигидаги 36-мактаб қурилишлари, туман консерва заводи, «Хос» ғишт заводида, «Шодлик» хусусий корхонасида амалга оширилаётган ишлар меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, меҳмонлар Мавлонов номли, Улуғбек номли, «Далварзин», «Ўзбекистон», «Дўстлик» жамоа хўжаликларида, «Шербўта» фермер хўжалигида ҳамда туман марказий шифохонаси ва «Ибн Сино» хусусий шифохонасида бўлдилар. Ҳамма жойда улар карнай-сўрнай ва ўйин-кулгу билан кутиб олинди. Бир пиёла чой устида қизғин суҳбатлар бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Мавлонов номли жамоа хўжалиги далаларида бўлганларида ажойиб янгиликка дуч келдилар. Мастчоҳ туманидаги Калинин номли ҳиссадорлик жамияти раиси Мирсаид Саидбеков бир дона бўлиқ очилган пахтани топиб олди ва ҳаяжонини яширолмай, шундай деди:

– Оғайнилар, бизнинг келишимизга пахтангиз очилибди. Бу ҳар иккала халқнинг йўли бундан буён пахтадай оппоқ бўлишидан далолатдир. Чунки ўзбек ҳам, тожик ҳам кўнгли оқ, юраги тоза инсонлардир.

Дўстлик учрашувининг асосий воқеаси «Зафар» қўрғонидаги «Тераксор» оромгоҳида бўлиб ўтди. Бу ерга меҳмонлар билан бирга Бекобод тумани жамоатчилик вакиллари ҳам тўпландилар. Тантанада сўз олган Мастчоҳ ноҳияси ҳукумат раиси Нурилла Оқилов қуйидаги сўзларни алоҳида таъкидлади:

– Биз мастчоҳлик ва бекободликлар «Далварзин» воҳасида жойлашган икки туманда яшовчи, икки тилда гапирувчи бир халқмиз. Биз бекободликлардан жуда кўп нарсаларни ўрганганмиз. Тўйларимизни бирга ўтказганмиз. Ўйлайманки, бу азалий дўстлик бундан буён абадий бўлиб қолади.

Бекобод тумани ҳокими Ғофур Бўрибоев ва Бекобод шаҳри ҳокими Жалолиддин Насриддиновлар эса, меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга бундай учрашувлар ўзаро дўстлигимизни янада мусатаҳкамлайди, дея ишонч билдирдилар. Бир-бирларига эсдалик совғалари тақдим этдилар.

Тантанада дўстликни, ҳар икки халқни ва келган меҳмонларни улуғловчи табрик сўзлари айтилди, шеърлар ўқилди, куй ва қўшиқлар янгради. Айниқса, таниқли шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Ҳамид Норқулов, тожикистонлик ижодкорлардан Акмал Қаландаров, Назар Ашуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаев, Ўзбекистон халқ артистлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Рустамбек Ботиров, хушовоз хонанда Сулаймон Шарипов, «Нақш» фольклор-этнографик ансамбли чиқишлари тантанага ўзгача файз киритди.

Шодиёна кечгача давом этиб, мастчоҳлик биродарларнинг Бекобод туманига ташрифи ўзбек ва тожик халқларининг дўстлик байрамига айланиб кетди. Меҳмонлар ушбу туман тимсолида Ўзбекистон тўғрисида бир олам таассуротлар билан ўз она юртларига қайтдилар.

Бекобод туманида бўлиб ўтган учрашувларда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

***Каримқул МАВЛОНОВ.***









**Суратларда: учрашувдан лавҳалар.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# АЁЛ СОҒЛИГИ — СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ

***Буюк келажакни соғлом миллат барпо этади. Айнан шу боис мустақилликка эришганимиздан буён ҳукуматимиз оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, оила мустаҳкамлигини, фаровонлигини таъминлаш йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда.***

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган давлат дастури, «Оила Кодекси», «Меҳнат Кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун каби талай ҳужжатлар ана шу эзгу юмушларнинг амалий исботидир. «Соғлом авлод йили»да эса бу ишларнинг кўлами янада кенгайди. Бироқ қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан барча аёллар бохабар деб бўлмайди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида «Соғлом аёллар — соғлом авлод гарови» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам айни ана шу масалага бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг аёл ва оила муаммолари комиссияси ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоатчилик марказлари, тадбиркор аёллар уюшмаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад бу борадаги юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топишда ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиш, жамоатчиликни кейинги вақтда ўтказиладиган аёллар саломатлиги, оила муаммоларига оид социологик тадқиқотлар натижалари билан таништиришдан иборат эди.

Суҳбат чоғида мамлакатимиз қонунчилик базасининг оналик ва болаликни ҳимоя қилишга оид жиҳатлари, ҳозирги замон шароитида юртимиздаги оила маънавий ва ахлоқий йўналишлари тенденцияси ва имкониятлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аёллар ва оила муаммолари комиссиясининг раиси Ш. Салимова, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг директори Р. Убайдуллаева маъруза қилди. Номи зикр этилган қонун ҳужжатларининг жойларга етиб боришини таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

***ЎзА мухбири.***

# «УМР»НИНГ НИЯТИ ХОЛИС

Чирчиқда иш бошлаган вилоят фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилик маркази «Умр» деб номланди. У вилоятдаги фалажликдан изтироб чекаётган барча ногирон болалар, руҳий касалликларга чалинган гўдакларга тиббий, ижтимоий, руҳий ва бепул ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Бундай болаларга, — дейди мазкур марказ раиси, тиббиёт фанлари номзоди Валижон Шомаҳмудов, — тиббий ва маънавий кўмакдан ташқари ҳуқуқий мадад беришни ҳам ўз бурчимиз деб биламиз. Қолаверса, уларга билим бериш, касб ўргатиш, меҳнат билан таъминлашни ўз зиммамизга олганмиз. Энг асосийси, болаларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, токсикомания, бошқа зарарли моддаларни истеъмол қилишдан ва ОИТСдан сақлаб қолишимиз лозим. Кўнглида меҳр-мурувватга мойиллиги бўлган шахслар Чирчиқ шаҳрида очилган 20212000104060588001 ҳисоб рақамига (МФО 00919) пул ўтказиб, ёрдам кўрсатсалар миннатдор бўлардик.

***Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.***

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

***Туронзамин қадим-қадимдан жаҳон бозорида ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлиб келган. Бу юртнинг атласу кулолчилик буюмлари, қоракўли минг дардга даво жаннатий-лаззатбахш мевалари етти иқлимга машҳури жаҳон бўлган. Бизнинг ота-боболаримиз кўпроқ харид қилган эмас, кўпроқ ўз маҳсулотларини сотганлар, бой бўлишни жуда яхши билганлар.***

Аждодларимизнинг ушбу тажрибаларини ўрганиш, ўша анъаналарни қайта тиклаган ҳолда жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллаш бугунги кунда мустақилликка эришиб, олдинга интилаётган республикамиз иқтисодиётида жуда катта аҳамият касб этади. Чунки, экспорт салоҳиятининг ошиши, жаҳон бозорига тайёр маҳсулот олиб чиқиб, уларни валютага сотиш мамлакатимиз қудратининг ошишига, халқимиз турмуши фаровонлашишига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида ташкил этилган «Кабул-Ўзбек» тўқимачилик қўшма корхонасининг Тўйтепадаги фабрикасида бўлганимизда, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганлигини билиб, дилдан қувондик.

*Ислоҳот самараси*

Жорий йилнинг ўтган ойида 34340 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 25274 минг долларлик маҳсулот чет элларга экспорт қилинди. Юқори сифатли калава ип ва матолар дунёнинг АҚШ, Олмония, Бельгия, Италия, Англия каби мамлакатлари томонидан бажону дил сотиб олинмоқда.

Ўтган 1999 йил давомида ушбу корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг чет эл фирмаларига экспорт ҳажми 48 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 50 миллион доллар бўлиши мўлжалланмоқда. Бу юксалишни қўшма корхона вице президенти Нодир Мусаев фабрикада меҳнат қилаётган маҳаллий йигит-қизларнинг иш малакалари йилдан-йилга ошиб, жаҳон бозорида фабрикада тайёрланаётган маҳсулотларга талаб тобора кучайиб бораётганлиги билан изоҳлади.

Дарҳақиқат, бугунги жаҳон андозаларидаги юксак ишлаб чиқариш технологияси билан таъминланган бу фабрикада ишлаётган йигит-қизлар қишлоқдан келиб, ушбу мўъжиза дастгоҳлар қаршисида лол бўлиб туришмайди. Улар энди бу илғор технологияни ипидан игнасигача пухта ўзлаштирган, малакаси ошган мутахассислардир. Ишчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг мураккаб технологик жараёнларини пишиқ-пухта ўзлаштира олишларида қўшма корхона тизими бўйича ёшларнинг Жанубий Кореяга ўқиш учун жўнатилаётганлиги муҳим ўрин тутади.

Қўшма корхона ташкил этилган пайтдан то ҳозирги кунгача 500га яқин ёшлар Жанубий Кореяга бориб келишди. Шу кунларда ҳам 100 нафар ҳамюртимиз бу мамлакат корхоналарида тажриба ўрганмоқдалар. Қолаверса, чет мамлакатда маълум фурсат ишлаётганлар яхшигина даромад олиб қайтишмоқда. Фабрика томонидан четга жўнатилган ишчилар ўртача ойлик маоши тўла сақланади. Бу ҳам даромад манбаи. Хуллас, хорижга бориб келаётган ёшлар кам бўлишмаяпти.

Фабрикада ишлаётган ёшлар учун қулай шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ишчиларнинг фабрикага келиб кетиши учун хизмат кўрсатувчи автобуслар ажратилган. Уччала сменада ишловчилар учун ҳам овқатланиш текин. Ойлик иш ҳақлари ўз вақтида бериб борилади. Ишчиларнинг ўртача маошлари ҳозир 17-18 минг сўмни ташкил этмоқда.

Кўриниб турибдики, бу корхона мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам, халқ фаровонлиги учун ҳам катта фойда бермоқда. Дарҳақиқат, юртбошимиз ташаббуси ва бевосита ташкилотчилигида барпо этилган қўшма корхона тўйтепаликлар учунгина эмас, балки мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ватанимизда бораётган иқтисодий жараён, пахтачилик саноатини ривожлантириш зарурати ҳозирча Тўйтепа ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган мана шу иккита ноёб тўқимачилик қўшма корхоналари сонини мамлакатимизда ўнтага етказишни тақозо қилмоқда. Бу пахтачилик саноатини экспорт салоҳиятини янада ошириш, шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

***Маъмур БОЗОР АЛИ.***

*Долзарб мавзу*

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРЛАНАЯПМИЗ

***ЯНГИ ўқув йилининг бошланишига ҳам оз қолди. Айни кунларда мактаб бозорлари харидорлар билан ҳар қачонгидан гавжумлашди. Мазкур бозорларни янги ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишлари қай даражада ҳал этилмоқда? Чиқарилаётган дарсликларнинг барчаси ҳам ўқувчига етиб боряптими? Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармаси бошлиғи Жаббор Раззоқов шундай ҳикоя қилади:***

– Давлат Матбуот қўмитаси тизимидаги нашриёт, корхоналар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда янги дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш, сифатини яхшилаш, ўз вақтида жойларга етказиш каби ишларни такомиллаштириш борасида талай чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

2000-2001 ўқув йили учун ҳозирги кунгача етмиш бир номдаги 6,17 миллион нусха дарсликлар нашрдан чиқарилди. Ёрдамчи мактаблар учун эса йигирма номдаги дарсликлар ҳам тўлиқ чоп этилиб вилоятларга етказилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, янги ўқув йилига тавсия этилган ўқув қўлланмаларининг ўттиз беш фоизи мактаб кутубхоналари жамғармаларида мавжуд. Дарсликларнинг деярли ярми ота-оналар ва ўқувчилар қўлида. Шу боис, 2000 йил режасига асосан ўттиз-ўттиз беш фоиз дарсликлар чоп этилмоқда. Агар республикамизда беш ярим миллиондан зиёд ўқувчи борлигини ва ҳар бир ўқувчига ўртача12-13 номдаги дарслик зарурлигини эътиборга олсак, ҳар йили тахминан 19-20 миллион нусха ўқув адабиёти чоп этиш зарур бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ўн олти номдаги дарслик ҳукумат комиссиясининг таклифига биноан қайта ишланиб, нашр этилди. Янги ўқув йилига мўлжалланган қолган 90 номдаги дарслик ва адабиётлар тизим бўйича тасдиқланган қатъий режага мувофиқ нашрга тайёрланди. Уларни янги ўқув йили бошланишига қадар босиб бўламиз.

Айни кунларда мактаб кутубхоналари жамғармаларидаги дарсликларни ва бошқа адабиётларни янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда мактаблар жамғармасини янги дарслик ва бошқа адабиётлар билан бойитиш учун 700 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда «Ўзкитобсавдотаъминот» акциядорлик уюшмаси бу маблағга олинган китобларни Халқ таълими вазирлигининг аниқ тақсимотига биноан жойларга етказиб бермоқда.

***Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

# «САРБОН» ОДИМЛАРИ

***Бекобод тумани ғаллакорлари уларнинг яқиндан берган ёрдамларидан бениҳоя миннатдор бўлдилар. Чунки, «Сарбон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти транспортчилари бу йилги дон ўрим-йиғим мавсумида улар билан бирга бўлдилар, туну кун, уч сменада ғалла ташидилар. Шу йўл билан етиштирилган ризқ-рўзни вақтида давлат омборларига етказиб беришнинг асосий оғирлигини ўз елкаларида кўтардилар. Улар ташиб берган ғалла 26 минг тонналик хирмонни ташкил этди.***

Шунча ҳажмдаги ғаллани саноқли кунларда тез ва соз белгиланган омборларга етказиб бериш осон бўлмади, албатта. Лекин «Сарбон»ликлар бутун маҳоратларини ва имкониятларини ишга солдилар, айниқса, вақтдан ютишга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун автотранспорт воситаларини мавсумга пухта тайёрладилар, махсус устахоналар ташкил этдилар, ҳайдовчиларнинг малакасини оширишни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар.

Жами 150та оғир юк кўтарадиган автомашиналар ва тиркамалардан бир маҳалда фойдаланишга эришилди. Аҳмад Исҳоқов, Зариф Қўлдошев, Юнус Аримбоев, Маматқул Расулов, Раббим Ҳакимов сингари ҳайдовчилар унумли ишлашди. Меҳнатда пешқадам бўлган транспортчилар мунтазам моддий рағбатлантириб турилди. Муайян муддат давомида энг юқори иш кўрсаткичларига эришган ҳайдовчиларга гиламлар ва шунга ўхшаш қимматли эсдалик совғалари мукофот тариқасида бериб борилди. Бундан ташқари, кунлик топшириқларни тўла ва ошириб бажарганлар, тиркамали автоуловларни бошқарганларга маошларининг ўттиз фоизи миқдорида қўшимча пул тўлаб турилди.

*Ҳиссадорлик жамиятларида*

Икки юз элликтадан ортиқ турли русумдаги юк автомобилларидан самарали фойдаланиш мақсадида барча зарур имкониятларни ишга солаётган жамоа юк ташиш топшириқларини йил бошидан бери ой сайин тўла ва зиёдаси билан уддаламоқда. Транспорт воситаларининг аксарият кўпчилиги ниҳоятда эскириб кетган ҳозирги шароитда бунга эришишнинг ўзи бўлмайди. Лекин, жамоа барча қийинчиликларни ишбилармонлик билан енгиб, фақат олға силжимоқда.

Корхонада жорий йилнинг биринчи ярмида қўлга киритилган меҳнат ютуқлари салмоқли бўлди. Энг асосий кўрсаткич — юк ташишни олиб кўрайлик. Шу даврда 936,7 минг тонна турли халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларга етказилди. Бу топшириқдагига нисбатан 11,3 фоиз кўпдир.

Етакчи кўрсаткичга яраша бошқалари ҳам яхши бўлади, албатта. Ишчи-хизматчилар сони режадагига нисбатан 20 кишига кам бўлишига қарамай, бажарилган иш ҳажмининг кўп бўлиши даромад ва фойда олишда юқори натижаларга эришиш имконини берди. Даромад режаси 150 фоизга адо этилди. У 137166,6 минг сўм ўрнига 206520 минг сўмга етди. Меҳнат унумдорлиги 157 фоизни ташкил этди. Ҳар бир транспортчи ҳисобига бажарилган иш ҳажми пулга чақилганда 280,5 минг сўм бўлиши керак эди. Амалда у 440 минг сўмдан ошиб кетди.

Жамоа меҳнатининг бошқа соҳалари ҳам юксалишда. Чунончи, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ярим йил топшириғи 168,7 фоиз қилиб адо этилди. Тиркамаларда юк ташиш ҳажми белгиланганига нисбатан 126,2 фоизга етиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 150 фоизни ташкил этди. Лекин, бундан транспортчилар фаолиятида камчилик ва нуқсонлар умуман йўқ экан, деган хулоса чиқариш мумкин эмас, асло. Ўзига яраша қийинчиликлар бор. Жамоа уни яхши билади. Шунинг учун ҳам у ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этишга аҳд қилган. Бу меҳнатда янги ютуқларга эришиш омили бўлиб хизмат қилади.

***Усмон МУҲАМЕДОВ, Собир ҲАМИДОВ.***

*Мавзуга қайтиб*

# ЯНА ОЛАҚАНОТ ҲАҚИДА

**ёки бу қушнинг республикамиз боғ ва токзорларига, умуман қишлоқ хўжалигига келтираётган зиённи йилдан-йилга биз ўйлаётганимиздан ҳам ортиб бораётгани ҳусусида**

***«Тошкент ҳақиқати»нинг 2000 йил 16 февраль сонида Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигининг бош ҳосилоти Абдусаттор Ғуломовнинг «Олақанот қачонгача экинга зиён етказади» сарлавҳали мақоласи босилиб чиққан эди. Унда бош ҳосилот ўз хўжалигида олиб борган кузатишларидан келиб чиқиб, жуда долзарб масалани ўртага ташлаган эди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда бу қуш хаддан ташқари кўпайиб кетиб, экинларга, мева-чевага катта зиён етказмоқда. Боғ ва узумзорларда пишиб етилиш арафасида турган ва етилган ҳосилнинг кўп қисмини чўқилаб, ер билан битта қилиб тўкиб, яроқсиз ҳолга келтириб қўймоқда. Бу қушлар шунчалик айёр ва сурки, ҳайдасангиз учиб, нарироққа бориб дарахтга қўниб, қараб туради. Кетишингиз билан яна боғзорларга ёпирилиб, «ҳужум»ни давом эттираверади. Буни кўриб деҳқоннинг меҳнатига юрагинг ачишади. Нима учун мутасаддилар бу офатнинг олдини олиш, бартараф қилиш ҳақида ўйламайдилар?! Бош ҳосилот масалани кўндаланг қўяди: Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Экосан» ташкилоти ва орнетолог олимлар нега томошабин бўлиб турishибди?!***

***Абдусаттор Ғуломовнинг куйиниб ёзгани бежиз эмас, албатта:***

***Ўшандан буён орадан 7 ойдан ортиқ вақт ўтди. Лекин, бирон ташкилот, мутасаддилар бу мақолага муносабат билдирмадилар, лом-лим демадилар. Очиғи биз журналистлар ҳам изчиллик кўрсатмадик, лоқайдлик қилдик. Бу ҳол газетхонларнинг ғашига тегиб, ажаблантирибди шекилли, улар бизга хат йўлладилар. Нега бу долзарб масаланинг ечимини охирига етказмаяпсизлар, деб дашном беришди.***

***Улар ҳақ эдилар. Газетхонларнинг истак ва талабларини инобатга олиб, таҳририят мавзуга яна қайтиб, уни чуқурроқ ўрганиб, айрим мактубларни чоп этишни, олимларга мурожаат қилиб, уларнинг фикрини беришни ва шу тариқа муаммони кенг жамоатчиликка ҳавола этишни зарур деб топди.***

●

**Акбар СУЛАЙМОНОВ, Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги раиси.**

Хўжалигимиз асосан узумчиликка ихтисослашган, 300 гектар ҳосилга кирган боғимиз бор. Бу токзорларда меҳнат оилавий пудрат асосида ташкил этилган. Натижа яхши бўлмоқда. Пудратчи соҳибкорларимиз йил ўн икки ой фидокорона меҳнат қилиб, узумдан бу йил, айниқса, юқори ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратдилар. Қанча кўп ҳосил олсалар, даромадлари шунчалик мўмай бўлиши шартномада ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган.

Лекин, очиғини айтганда бутун ёз бўйи қилинган меҳнат ҳам бир бўляпти-ку, етилган ҳосилни қўриқлаш, қушдан сақлаб қолиш қолишга бўлаётган ҳаракат, меҳнат ҳам бир бўляпти! Ҳаддидан ошиб кетди бу олақанот қуши. Боғбонларимизга катта ташвиш келтиряпти. Унинг айёрлигини қаранг, эрта тонгда, ҳамма ширин уйқуда ётган пайтда «овга» келади. Узумга ёпишади, тўкиб сочади. Баъзи бошларни узиб, ер билан битта қилади. Инсон инсон-да, у ҳам куни билан меҳнат қилгач, чарчайди, дам олади, ҳаммавақт ҳам боғни қўриқлаш имконияти йўқ унда. Бундан қушлар яхши «фойдаланадилар».

Биз ҳисоблаб чиқдик. Агар бепарволикка йўл қўйилса, етиштирилган ҳосилнинг деярли 20 хатто 30 фоизини нобуд қилади бу қуш. Ахир бир килограмм узумнинг ўртача харид нархи 40-50 сўм деб ҳисобласак, қанчадан-қанча зиён кўрилишини тасаввур этиш мумкин!

Шунинг учун ҳам Абдусаттор Ғуломов узоқни ўйлаб, жуда муҳим ва долзарб масалани кўтарган. Кўплашиб, бирлашиб, фикрлашиб бу муаммони ҳал қилиш пайти келди.

●

**Мамлакат Жўраева, Қибрай туманидаги «Қибрай» боғдорчилик хўжалигининг бригада бошлиғи.**

Мен эсимни танибманки, боғдорчилик билан шуғулланаман. Ҳар гектаридан мўлжалдагидан ошириб мева олиш учун бор тажрибамизни ишга соламиз. Ҳар хил касалликларга қарши курашиб, кеч куз ва эрта баҳорда мевали дарахтларни дорилаймиз, оқлаймиз, қатор ораларини юмшатамиз, суғорамиз, ўғитлаймиз. Мақсад, ширали, тўйимли, кўримли ҳосил етиштириш ва харидорга маъқул қилишдан иборатдир. Лекин, бир нарсага келганда, яъни ҳосилни олақанотдан ҳимоя қилишга келганда, қўлимиз калталик қиляпти. Бунинг натижасида озмунча иқтисодий зарар кўрмаяпмиз. Одам алданиб қоляпти. Ҳосилни узиш пайтида дарахтдаги қизариб, ялтираб, «мени териб ол» деб турган олма, нок, олхўри ва бошқа меваларни кўриб, ўзимизнинг ҳам ҳавасимиз келиб кетади. Бироқ, ҳосилни авайлаб узиб, идишларга жойлаш жараёнида тўғриси таъбимиз хира бўлиб қолади. Нега деганда, бут-бутун бўлиб кўринган меваларни синчиклаб кўрсангиз, кўпининг у ер бу ерини тешиб, чўқилаб кетган бўлади олақанот. Албатта бундай меваларни сара мевалар қаторига қўшиб бўлмайди. Чириб, ириб, соғ меваларни ҳам бузиши мумкин. Шу тариқа дейлик, бир туп дарахтдан терилган 500-600 килограмм олманинг камида 50-60 баъзан 100 килограмми чиқитга чиқиб кетади. Хўжаликда қайта ишлаш цехи бор бўлса, нур-устига нур. Лекин, бундай имконият ҳамма ерда ҳам йўқ. Натижада зарарланган мевалар исроф бўлади.

Муаммо қанча эрта ҳал этилса, биз деҳқонлар, боғбонлар шунчалик мамнун бўлардик!

●

**Элмурод ШЕРНАЗАРОВ, Зоология институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари доктори.**

Гап, албатта, Афғон қуши, майнаси тўғрисида боряпти. Деҳқонларнинг ташвишланиб гапиришлари учун асос бор, албатта.

Аслини олганда бу қуш яқин ўртада пайдо бўлган эмас. Ўлкамизга «ташриф» буюрганига 100 йилча бўлиб қолди. Яхшигина сайрайдиган овози бор. Шу туфайли одамлар бир вақтлари уни қафасда сақлаб, дон-дун бериб боқиб, сайроғини эшитиб, завқланишган.

Лекин, давр ўтиб, бу қушнинг ҳаёт тарзи бутунлай ўзгариб кетди. Шундай йиллар ҳам бўлдики, бу қушни атайлаб ушлаб олиб келиб, чорвадаги кана-сўна ва бошқа зарарли ҳашоратларни еб тугатсин, деб 100-200тасини қўйиб юборишди. Дастлаб ҳақиқатан олақанот ўз бурчини «яхши» бажарди. Айни пайтда кескин равишда кўпайиб ҳам борди. Энди улар ўзларининг одатий озуқалари билан қаноатланмай қолдилар. Деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотга ҳам ҳужум қила бошладилар. Аввалига унчалик эътибор берилмади, лекин, йиллар ўтган сайин бу қушнинг мева-чевага, экинга етказадиган зиёни ошиб бораверди. Ачинарлиси шундаки, олақанот жой, ҳудуд талашади, шу туфайли мусича, чумчуқ сингари беозор ва айни пайтда фойдали — асосан зарарли қурт-қумисқалар билан озиқланадиган қушларни ҳам инидан ҳайдаб чиқариб, бола очирмаяпти, еб қўйяпти!

Аввалига дарахтларнинг ковак-касмалагида яшаб, кун кечирадиган бу қушнинг дастидан фақатгина деҳқонлар, боғбонларгина эмас, ҳатто, шаҳарликлар, саноат ходимлари ҳам азият чека бошладилар. Шундай ҳолни кузатиш мумкин. Тошкентдаги «Миконд», Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар ҳудудларидаги баланд жойларга 700-800 мингтадан ортиқ олақанотлар қўнишиб, йиғилишиб олади. Чуғурлашиб, шовқин-сурон кўтариб, асабга тегадилар, энг ёмони корхона ишлаб чиққан маҳсулотларни ифлослантириб, ортиқча ташвиш келтирадилар.

Хулоса шуки, олақанотнинг сонини кескин камайтириш тадбирларини кўрмасак бўлмайди.

## *МУХБИР ШАРҲИ*

**Табиийки, масалага ҳар ким ўзича ёндошади, ўзича баҳо беради. Деҳқон-боғбонларнинг, олимнинг ташвиш билан айтган гапларини ўқиб, эҳтимол «Нима қилибди... Қуш бўлганидан кейин ризқ-насибасини териб ейди-да, камайиб қолармиди», деб мулоҳаза юритувчилар ҳам топилиши мумкин.**

**Лекин биз бундай хулосага, тўхтамга асло қўшилмаймиз. Олақанот туфайли хўжалик, туман, қолаверса, вилоят миқёсида кўрилаётган иқтисодий зарарни рақамлар воситасида таҳлил қилиб кўрсак, бунга сиз ҳам иқрор бўлишингизга ишонаман.**

**Дейлик, хўжаликнинг боя раис айтганидек, 300 гектар узумзори бор. Богбонлар унинг ҳар гектаридан 15 тоннадан ҳосил олишни мўлжаллаганлар. Маълумотларга қараганда олақанотлар бугунги кунда ўрта ҳисобда 20 фоиз узум ҳосилини сифатсиз ҳолга келтиради. Бу – 15 тоннадан 20 фоизи, яъни 3 тонна ҳосил чиқитга чиқиб кетади, деган сўз. Ҳар бир килограмм узумнинг ўртача баҳосини 50 сўмдан деб белгиласак, хўжалик олақанот туфайли 300 гектар узумзордан ўрта ҳисобда 15 миллион сўм зарар кўриб турибди! Агар бу зиённи тумандаги мавжуд 1100 гектар токзорга чақсак, қарангки, туман бўйича кўриладиган зиён 50-55 миллион сўм, вилоят бўйича узумзорлардан кўриладиган зиён эса ўрта ҳисобда ярим миллион сўм атрофида бўлиши мумкин!**

**Тўғри, бизнинг бу ҳисоб-китобимиз тахминан олинаяпти. Агар аниқ мисоллар келтириладиган бўлса, эҳтимол, кўриладиган зиён миқдори бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Агар бунга мева-чевага етказилаётган зиённи ҳам қўшсак, бу миқдор деярли тенг ярим кўпайиб кетиши ҳеч гап эмас.**

**Республикамиздаги 12та вилоятнинг ҳар бирида ҳам озми-кўпми узумзорлар, мевали боғлар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, кўриладиган зиённинг ҳисобига етмай қоламиз.**

**Энди бундай ўйлаб, мушоҳада қилайлик. Шунча ҳосил аллақандай қушга ем бўляпти-ку! Агарда у қўриқланиб, тўла-тўкис сақлаб қолинса, миллиард-миллиард сўмлаб маблағ деҳқоннинг чўнтагида қолади-ку, деган фикр хаёлга келади.**

**Шу ҳақда ўйларканмиз, олимнинг фикрига тўла-тўкис қўшилиш керак. Бу қушни бутунлай йўқотиб бўлмайди. Лекин, уларнинг сонини кескин камайтириш шарт. Акс ҳолда зиён кўлами йил сайин жуда тез кенгайиб бораверади. Буни мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Ҳозирги пайтда вилоят ҳудудида, қолаверса республикамизда қанча миқдорда олақанот борлигини аниқ айтиш мушкул иш. Аммо оддий ва жўн хисоб-китоб қилиб кўрайлик. Бизнинг иқлим шароитимиз бу қуш учун жуда қулай ҳисобланади, шунинг учун ҳам у бир йилда 2 хатто 3 марта болалайди. Бошқача айтганда бир уя бир йилда 7-8 уяга айланади. Ана шу жараён ниҳоятда тезлик билан давом этаверса, келгусида ҳудудимиздаги боғ ва далаларни олақанот босиб кетиши хавфи кучайиши аниқ. Шундай экан, бу дахшатли хавфнинг олдини олиш, бартараф қилиш хақида ким ўйлайди, ким қайғуради?!**

**Мол аччиғи, жон аччиғи деганларидек, деҳқонларимиз, боғбонлар машаққатли меҳнатлари эвазига етиштириладиган ҳосилни асраб-авайлаб сақлаш учун биринчи навбатда ўзлари ҳаракат қилмоқдалар, бошқотирмоқдалар, чора кўрмоқдалар. Айрим ҳаваскор боғбон ва соҳибкорлар, дейлик, хурмо, гилос мевасини сақлаш учун атрофини докалар билан ўраб қўядилар. Лекин бу машаққатли ишнинг уддасидан чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам май ойининг бошларида эрта пишар гилосни сақлай олмай, қушнинг дастидан кесиб ташлаётганлар ҳам йўқ эмас.**

**Шунга қарамай ўз ҳудудидаги каттагина майдонлардаги мева-чеваларни асраб қолиш учун баъзи фойдали тадбирларни кўраётганлар борлиги кишини мамнун этади.**

**– Биз ҳам қараб турмаяпмиз, – дейди телефон орқали мулоқотда Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Маҳмуд Мирзаев. – Донни яхши кўришини ҳисобга олиб, олақанот кўп тўпланадиган жойларга захарланган дон сочиб қўйдик, фойдаси бўлди, лекин бу тадбир истиқболли эмаслиги аён эди. Бошқа фойдали қушлар ҳам донни еб, нобуд бўлиши турган гап. Боғбонларимиз кўпроқ ёлғондакасим, ўқ отилиб овоз чиқарадиган, қўрқитадиган милтиқдан, мосламадан ҳам фойдаланадилар, лекин бу мослама анча қиммат туради. Ҳамма ҳам ундан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Биз узум боғларида яна бир тажрибани амалга оширдик. Эскириб ишдан чиққан кино, фото ленталарини узумзорларга осиб қўйдик, буни қарангки, олақанот шамолда тебраниб, ялтираб турадиган бу ленталардан хавфсираб узумзорга яқинлашмайди. Яна бир тажрибани амалга оширдик. Олақанот қирғийнинг овозини эшитса қочади, чўчийди, деб айтдилар. Қани кўрайликчи, деб битта қирғийни топиб, узумзорга қўйдик. Бир вақт қарасак, қирғий олақанотни оёғи остига олиб роса олишяпти, чўқилаб, булғалаяпти! Бир оздан сўнг бориб кўрдик, олақанот ўлиб ётибди, лекин, қирғий ҳам яшамади.**

**Тажрибалар, изланишлар, чора ва тадбирлар. Булар вақтинчалик натижа бериши мумкин. Аммо, кишини бир савол қийнайди. Келажакда аҳвол нима бўлади? Шунинг учун ҳам олақанотни йўқотиш, сонини камайтириш тўғрисида энг аввало мутасадди ташкилотлар ҳаракат қилишлари, олимларнинг жон куйдиришлари талаб этилмоқда.**

**Эҳтимол газетада бир чиқиш билан, битта мақола чоп этиш билан бу масалага жавоб топиш мушкулдир. Асосий мақсадимиз кенг жамоатчилик, мутахассислар, олимлар эътиборини ушбу киши билмас, айни вақтда ғоятда ўткир муаммога қаратиш ва биргаликда ечимини топишга эришишдир.**

**Ўйлаймизки, бу сафар газетамизнинг чиқиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.**

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# ДЕҲҚОН КЎСАК САНАЙДИ

***Саратон суви ғўзага малҳам, деб бежиз айтмайдилар. Шундоққина билиниб турибди: ўтган кунги сувдан сўнг кўсаклар семирибди, сонига ҳам сон қўшилгандек.***

Катта йўл четидаги пахтазорга қўлини соябон қилиб тикилиб турган ҳосилот Ҳамроқул Жўрақуловнинг ҳаёлидан ана шу фикрлар ўтди. Пайкал оралаб чиқиб келган сувчи Раҳматилла Маматов ҳосилотнинг қиёфасидаги мамнунликни кўриб хурсанд бўлди.

— Қўшни пайкалга ҳам сув қўйганмисиз, — деб ҳол-аҳвол сўрашган бўлди Ҳамроқул ака.

— Кечга томон оёқлаб қолса керак, — деб жавоб берди сувчи.

— Раҳмат, — деди ҳосилот, — сизга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Қатор ораларини ўз вақтида юмшатиб туришни ҳам ўрнига қўясизлар, деб ишонаман.

— Албатта-да, — дейди сувчи, — ҳув нариги пайкалда ҳали замон тракторчилар иш бошлашади. Культивация ўтказишади. Ҳозир бу томонга келаётганимда, улар культиваторларнинг ишчи қисмларини назоратдан ўтказиб, созлашаётган эди.

Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигида ишлар ана шундай қизғин бормоқда.

— 900 гектар пахта майдони, — дейди ҳосилот, — 146 оилавий пудратчига бўлиб берилган. Ҳозирги кунда пахтачиликда 730 нафар деҳқон меҳнат қиляпти. Уларнинг ҳар бирининг ўз режаси, иш услуби бор. Энг муҳими пудратчилар чилла бошланиши билан ғўзани қондириб суғоришга алоҳида эътибор бердилар. Кун қаттиқ исиб кетди. Бундай пайтда қатор ораларидан нам асло қочмаслиги керак. Акс ҳолда ғўза гулини ташлайди, кўсаклаши сустлашади. Пудратчилар буни яхши билганликлари учун ҳам ғўзани кўпроқ тунда суғоришни ихтиёр этдилар. Бу эътибор, бу тадбирнинг самараси ҳозироқ кўзга ташланиб турибди. Қатор оралаб, ғўзани шамоллатиб, ҳар тупини асраб-авайлаб, ардоқлаган деҳқон кўсак санаб, ўз меҳнат самарасидан қувонмоқда.

— Шу кунларда ҳам парваришни асло бўшаштирмаймиз, — деб айтишди пудратчи пахтакорлар. Суғориш, озиқлантириш ва қатор ораларига ишлов бериш бир-бирига боғлаб, ҳар бир даланинг ҳолатига, ғўзанинг ривожига қараб олиб борилди.

Ўтган йили ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олган хўжақўрғонликлар бу йил 30 центнерни мўлжалламоқдалар. Пахтачиликда ширкат усулига ўтилганлиги, меҳнатни ташкил этишнинг оилавий пудрат усули қўлланилаётганлиги деҳқонларнинг манфаатдорлиги амалда қўлланилишини таъмин этиши шубҳасиз. Буни ҳис қилиб турган пахтакорлар ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир тадбирни ўз вақтида, маромида бажармоқдалар. Улар ўтган йили ялпи ҳосилнинг 85 фоизини биринчи навга топширган эдилар. Ҳозирги ҳаракат, кўрилаётган чора-тадбирлар эса бу йил кўрсаткични 90 фоизга олиб чиқишга қаратилгандир.

Яратиб берилган шарт-шароит, имконият, имтиёзлардан фойдаланаётган пахтакорлар, албатта, бу мақсадларига эришишларига тилакдошмиз.

***Носир ИСАЕВ.***



**СУРАТДА: «Хўжақўрғон» ширкат хўжалиги пахтазорларида.**

***Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.***

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● ШИМОЛИЙ Корея Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидан боради ва бу борада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади, деди ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазири Пэк Нам Сун АСЕАНнинг минтақавий анжуманида. Унинг билдиришича, дунёда барқарор тинчликни сақлашда АСЕАНнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор ва хавфсизлик масалалари бўйича ўтказилаётган навбатдаги анжуман бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаради.

● АҚШ ва Хитой вакиллари ўртасида қуролланишни назорат қилиш масаласи бўйича навбатдаги музокара август ойида Ҳавайи оролларида бўлади. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Мадлен Олбрайт ва Тан Цзясюан Бангкокда учрашиб, шундай келишувга эришди.

● ФРАНЦИЯ ҳукумати Шимолий Корея АСЕАНнинг хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий анжуманига қабул қилинганини маъқуллайди, деди мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили.

## 70дан ОРТИҒИ БОЛАЛАР

Украинада жорий йил бошидан буён 27 минг маротаба ёнғин содир бўлди ва бунинг оқибатида мингдан ортиқ одам бевақт ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат Ички ишлар вазирлиги ёнғинга қарши кураш бошқармаси раҳбари Григорий Рива журналистлар билан учрашувда шундай деди. Унинг айтишича, қурбонларнинг етмиш нафардан ортиғи болалар эди.

## ЭНГ ЭСКИ «КОНКОРД»

Францияда бир неча кун илгари ҳалокатга учраган «Конкорд» самолёти ҳозир фойдаланилаётган ушбу русумдаги ҳаво транспортлари орасида энг эскиси экан. «Эр Франс» ҳаво йўллари компанияси вакили Франк Дебукнинг айтишича, у 1975 йилда ишлаб чиқарилган.

Маълумотларга қараганда, ҳалокатга учраган «Конкорд» ишга туширилган вақтдан буён жами 12 минг соат парвоз қилган. Бу шу русумдаги бошқа самолётлар кўрсаткичига қараганда анча кам.

## ТАРИХДА ИЛК БОР

Таиландда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан Шимолий Корея Ташқи ишлар вазири Пэк Нам Сун ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Икки мамлакат тарихида биринчи бор ўтказилаётган ушбу музокарада томонлар Корея ярим оролидаги вазият, КХДРнинг ракета дастури ҳамда АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини такомиллаштириш режаси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

## БМТ БЮРОСИ ОЧИЛДИ

БМТнинг Халқаро тинчликни сақлаш департаменти Эфиопия пойтахтида ўз бюросини очди. Бундан кўзланган мақсад мазкур мамлакат билан Эритрея ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўлаётган баҳсли ҳудудларга халқаро кучларни жойлаштиришни тезлаштириш ҳамда фавқулодда вазиятлар вақтида Эфиопия Мудофаа вазирлигига ёрдам кўрсатишдир. Халқаро ташкилот вакилининг билдиришича, Эритреяда ҳам яқин кунлар ичида шундай бюро очилиб қолади.

## ҚАЛБИ СЕВГИГА МОЙИЛ..

Машҳур «Титаник» фильмининг режиссёри Ж. Камэрон ҳақида Холливудда шундай ҳазил гап юради: яқин йиллар ичида Жеймс Элизабет Тэйлор рекордини синдиради. Маълумки, машҳур актриса Элизабет Тэйлор 8 маротаба турмуш қурган.

Яқинда Ж. Камэрон 38 ёшли актриса Эмис Сузи билан никоҳдан ўтмоқчи эканини билдирди. Бу унинг бешинчи, Сузи хонимнинг эса иккинчи никоҳи бўлади. 45 ёшли режиссёр бунгача атиги тўрт марта уйланган экан. У Эмис билан ўша «Титаник»ни суратга олиш жараёнида танишган. Э. Сузи бу фильмда асосий роллардан бири – Кекса Роузнинг набирасини қойилмақом қилиб ижро этди. Бу, албатта, истеъдодли режиссёрнинг назаридан четда қолмади. Ҳар ҳолда, Ж. Камэрон айнан шу Сузи туфайли ўзининг тўртинчи хотини – Холливуднинг таниқли актрисаси Линда Ҳэмилтон билан ажрашди. Линда 1998 йилда эрининг Сузи билан алоқасини сезиб қолиб, уни вафосизликда айблаган ва уйдан ҳайдаб чиқарган эди. Ўтган йили ажралишнинг ҳуқуқий жараёни ниҳоясига етди. Миш-мишларга қараганда, Линда хоним Жеймсдан 7 ёшли қизи Жозефина тарбияси учун 100 миллион доллар ундирган.

Ж. Камэрон аввал Шарон Уилям исмли ресторан хизматчисига уйланган эди. У билан 1984 йилда орани очиқ қилди. Ўшанда Шарон эридан атиги 1200 доллар олган экан. Кинопродюссер Ҳейл Энн Ҳёрд билан қурилган никоҳ 1989 йилда бекор қилинди. 1991 йилда Кэтрин Бигелоу исмли аёл билан турмуш қурди ва бу оила ўша йилнинг охиригагина базўр етиб бора олди.

## ЭНДИ ҚАРЗНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Буюк Британиянинг «Керман энд Ко» ҳуқуқшунослик фирмаси «Графф Даймондс» савдо уйининг манфаатларини ёқлаб, америкалик боксчи Майк Тайсонга нисбатан даъво аризаси ёзди. Маълумки, йил бошида М. Тайсон Лондонда Англиянинг оғир вазнли боксчиси Жулиас Фрэнсиз билан жанг қилган ва ғолиб чиққан эди. Ғалаба сурури уни маст қилди ва боксчи дур-жавоҳир билан савдо қилувчи «Графф Даймондс» савдо уйидан насияга кўплаб қимматбаҳо буюмлар сотиб олди.

Бугунга келиб, Майк дур-жавоҳирларнинг пулини мазкур мусобақа ташкилотчиси – англиялик миллиардер Фрэнк Уоррен тўлаши керак, деб ҳисобламоқда. Лекин, Ф. Уоррен «Темир Майкнинг» 630 минг АҚШ долларига тенг миқдоридаги қарзини тўламоқчи эмас.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

*Ибратнома*

# ИЗЗАТ ТИЛАГАЙСАН — ИЙМОНИНГ БЎЛСИН

*Соғлиқни йўқотиб эришилган орзу кишини қувонтирмайди.*

* * *

*Атроф бўлса бепарво,*
*Ҳаддан ошар беҳаё.*

* * *

*Эй инсон, ҳар ерда одобинг бўлсин,*
*На ишни қиларсан саводинг бўлсин,*
*Ибодан, ҳаёдан кимлигинг маълум,*
*Иззат тилагайсан — иймонинг бўлсин.*

* * *

*Табобат илмидан кимки хабардор,*
*Сиҳатлик ҳамиша унга бўлур ёр.*

* * *

*Номард бўлса йўлдошинг*
*Шўр бўлар суйган ошинг.*

* * *

*Мард ишини қилгин, бўтам,*
*Номардлар тортгай ситам.*

* * *

*Ҳаракатда яшар тирик жон,*
*Ҳаракатсиз танда ивир қон.*
*Танбалликда йўқ танга роҳат,*
*Ҳаракат қил, ҳаракат, инсон.*

* * *

*Ҳалол меҳнат тарбиялар кишини,*
*Ҳунар, билим осон қилар ишини,*
*Чекмай, ичмай, тўғри юрса агар ким,*
*Соғлом яшар, узайтирар ёшини.*

* * *

*Текин ош кишини танти қилади,*
*Таъмагир тулкидек айёр бўлади,*
*Таъмаю порага ўрганса одам,*
*Ўзию ўзгани беор қилади.*

* * *

*Ақлнинг ўғриси — арақдир, инсон,*
*Яхши-ю ёмоннинг дилин қилар қон,*
*Ибосиз, ҳаёсиз қаттоллик ундан,*
*Ҳаттоки, етажак наслга зиён.*

***Мўсин НУРИДДИНОВ,***
***меҳнат фахрийси.***

# МУРОДИЛ АКА ТОШКЕНТДАН «ДАМАС» МИНИБ КЕТДИ

**Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан жорий этилган «Хазина-4» лаҳзалик пул-буюм лотереясига жами бир миллион беш юз саксон тўрт минг йигирмата ютуқ, жумладан, 5та «Нексия», 5та «Дамас», 10та «Тико» русумли енгил автомашина ва катта миқдордаги пул совринлари қўйилганди. 31 июль куни ютуққа қўйилган «Дамас» автомобилининг илк соҳибига машинанинг калити топширилди.**

Ютуқ Фарғона вилояти Қува туманида истиқомат қилувчи Муродил Усмоновга насиб этди.

– Март ойида тасодифан «Хазина-4» лаҳзалик хайрия пул-буюм лотереясини юз сўмга сотиб олган эдим, – дейди хурсандлигини яшира олмай Муродил ака. – Омадим бор экан – «Дамас» машинаси чиқди.

Умумий миқдори 500 миллион сўмни ташкил этадиган мазкур лотереянинг айни пайтда қарийб 100 миллион сўмлиги аҳоли томонидан харид қилинди. Омади чопганлар турли ютуқларнинг соҳиби бўлмоқда. Ана шундайлардан бири – тошкентлик Юсуф Мўминовга «Тико» русумли енгил автомашина насиб этганди. Мазкур лотереядан тушган маблағ жамғарманинг илмий-маърифий ишларини амалга оширишга ҳамда иқтидорли ёшлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланади.

***О. НОРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### БАЛИҚ ЁМҒИРИ

Эфиопиянинг шимолий ҳудудлари аҳолиси қурғоқчиликдан қаттиқ азият чекмоқда. Бу ерларда икки йилдан бери ёмғир ёғмаяпти. Шундай бир вазиятда бу ерда тўсатдан ёмғир қуйиб берди. Аммо, у сув томчиларидан эмас, балки... турли катта-кичикликдаги жонсиз ва жонли балиқлардан иборат эди.

Аҳоли бундан саросимага тушди. Воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келган мутахассис-ихтиологнинг фикрича Ҳинд уммонида ҳосил бўлган кучли қуюн, бу ердаги балиқларни ўз домига тортиб, уларни ҳаво орқали қитъанинг юзларча километр ичкарисига олиб кирган. Шу ерда ўз кучини йўқотган тўфон ўлжа балиқларни ҳайратдан қотиб қолган эфиопияликлар бошига тўкаверган, деб ёзади Россияда нашр этиладиган «Оракул» ойномаси.

### ШИФОБАХШ БУТА

Норвегиялик жарроҳ Ю. Бенгт Кенияда физиканинг мавжуд қонунларини инкор этувчи ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Касалхонада у қабила бошлиқларидан бирининг автоҳалокатга учраган набирасини операция қилди. Қария бунинг эвазига жарроҳ белидаги оғриқдан, умуртқасидаги касалликдан халос этажагини айтиб, жарроҳни дўнгликлар оралиғидаги буталар билан копланган бир жарликка етаклаб келди. Очиқ кенглик ўртасида барглари нурланиб, шуъла таратаётган бута турарди. Уни «Куймас бута» деб аташаркан. Ундан худди ёнаётгандек қуруқ иссиқлик чиқарди. Бутани фақат муайян жойдан кўриш мумкин эди, сал четга қадам қўйсангиз ёки бироз яқинлашсангиз, кўздан ғойиб бўларди. Бенгт кўйлагини ечиб, бутага яқинлашганди, у кўринмай қолди, аммо иссиғи кучайди. Жарроҳ кўринмас бутага орқа ўгириб ўн беш дақиқача ўтирди ва қариянинг ишораси билан ўрнидан туриб, кийинди. Бенгт саховатли кекса кузатувида бу ерга яна тўрт марта келгач, унинг умуртқаси бутунлай соғайиб кетди.

# КАЛТАБИНЛИК

*(Ҳикоя)*

Ўтган-кетганларни баланддан томоша қилиш яхши экан. Кимга қараётганлигингни ўша одамнинг ўзи ҳам сезмас экан. Шунинг учун шаҳар марказидаги кўп қаватли уйда яшовчи Машкура бекорчиликдан сал зерикса, кўчани кузатишга тушади. Кўпинча уйда ёлғиз қолади. Бугун ҳам ёлғизлик ва бекорчиликдан зерикиб, кишиларни томоша қила бошлади. Аммо бугунги бекорчиликдан бошлаб қўйган бу қилиғи оқибатда ўзидан нафақат яхши инсонларнинг, балки ҳатто Худонинг ҳам безор бўлишига олиб келиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмагандир...

Машкура эрмак учун қўлидаги кўзгу билан офтоб қидираётган бўлса-да, бамайлихотир сигарет тутатиб одимлаётган узун бўйли йигитнинг юзига қуёш нурини туширди. Кўзи қамашиб кетган йигит тўхтадида ким бўлдийкин деган ўйда тепага қаради.

— Кечирасиз, сизни бир синфдошим деб ўйлабман, — жилмайди Машкура. — Мўминжон деган синфдошимга ўхшарkансиз. Кўрмаганимгаям уч-тўрт йил бўлди.

Йигит қорамтир кўз ойнагини қўлига оларкан, «Шунақами, — деди жиддий оҳангда. Сўнг қўшиб қўйди. — Менинг ҳам исмим Мўминжон».

— Вой, кўзойнагингизни ечсангиз, синфдошимга қуйиб қўйгандек ўхшаб кетаркансиз, — Машкура ўзи тўқиб айтаётган гаплардан ўзи хурсанд бўлиб кетди. — Бунинг устига исмингиз ҳам бир экан.

— Бунча чиройли куласиз, яхши қиз. — Машкуранинг илтифотидан Мўминжоннинг ҳам юзига табассум югурди. — Гўзал экансиз. Пастга тушолмайсизми?

— Бу кўчадан кўп ўтасизми? — Машкура нозли оҳангдаги бу саволи билан йигитнинг гапини бўлди.

— Йўқ, биринчи марта ўтишим. Икки соатдан кейин қайтиб ўтаман.

— Тез-тез ўтиб турсангиз, ҳали яна кўришиб қоламиз.

Мўминжон яна нимадир демоқчи бўлиб тараддудланди. Аммо, Машкура шарт бурилиб ичкарига кириб кетди. Нариги хонага ўтиб тўғри тошойна олдига бориб ўтирди. Қўлга илинар - илинмас калта сочларини қайта таради. Упа-эликларини олдига яқинроқ тортиб, қорачадан келган, юзига яна оро бера бошлади. Ҳалиги йигитнинг гапини эслаб, хаёлга берилди: «Гўзалсиз дедими? Чиройли куларкансиз дедими? Айтганча икки соатдан кейин қайтиб ўтаман деганди-я. Ясан-тусан қилиб бир кўриниш бериб қўяй, кейин ўзи серқатнов бўлади-қолади».

Ҳақиқатан ҳам Мўминжон бу кўчага серқатнов бўлиб қолди. Шаҳарнинг узоқ бир чеккасида яшасада, Машкуранинг баҳонасида кунора марказга келарди. Бора-бора апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Бир куни ғалати ҳол бўлди. Гавжум бир ошхонада тушлик қилаётганида Мўминжоннинг кўзи узоқроқдаги столда уларни кузатиб чой ичиб ўтирган дўсти Жасурбекка тушиб қолди. Жасурбек бир минутга келиб кет, деган маънода имлади.

— Кечирасан, ёнингдаги ким бўлади? — Жасурбек рўпарасига келиб ўтирган Мўминжонга қатъий савол берди.

— Келинпошша деявер, ўшанга уйланмоқчиман.

— Ундай бўлса кечки пайт албатта бизникига ўтгин. Муҳим гап бор.

— Айтақол, — ҳайрон бўлди Мўминжон.

— Ҳозир мавриди эмас...

Кечки пайт Жасурбекнинг ўзи кўчага чиқиб Мўминжонни кутиб ўтирган экан.

— Тинчликми, оғайни?

— Жасурбекнинг саломга узатган қўлини тутганча савол берди Мўминжон.

— Келинпошшо деганингни қаердан топдинг? — Саволга савол билан гап бошлади Жасурбек. — Нима бўлгандаям айтиб қўяй, оғайни, маккор Машкура сенинг тенгинг эмас.

— Уни танийсанми?

— Яхши танийман. Мени ҳам чув туширмоқчи бўлган. Йигитларни лақиллатиб айшишрат суриб юриш бўлса бўлди унга. Менга ишонмасанг, менданам яқин дўстинг Тошпўлатдан сўра унинг таърифини, Абдураҳимдан, Муҳиддиндан, Ҳасанбойдан сўра...

Мўминжоннинг қораси кўринмай кетгач, унинг қайтиб келмаслигига кўзи етган Машкура ҳасратини сирдош қўшниси Анорага тўкиб солди:

— Менга қара, Анора, қишлоқ-пишлоқдан бўлсаям, соддароқ бўлсаям, бир йигит топ. Ўзингдан қолар гап йўқ. Энди номига бўлсаям турмушга чиқмасам бўлмайди. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмай қолди.

Хуллас, Машкурага куёв топилди. Жуда олис тоғли қишлоқда яшовчи Баҳриддин исмли, касби ошпаз бўлган бир йигит Машкура ўйлаганчалик соддагина эди. Баҳриддиннинг отаси эрта оламдан ўтиб кетган. Саккиз нафар фарзанднинг ташвиши ёлғиз онасининг гарданида эди. Онаизор бечоранинг кўрган-билгани фақат дала бўлди. Ўғил-қизларим бошқалардан кам бўлиб ўксимасин, уларни уйли-жойли қиламан деб умрини деҳқончилик билан ўтказди, бор кучини ерга берди.

Тирикчилик кўйида меҳнатдан, тўй-ҳашамларда хизматдан ортмайдиган Баҳриддинга ҳам Машкура маъқул тушди. Ўзи билган қишлоқ қизларига ўхшаб ичимдагини топ дейдиганлардан эмас. Гапга чечан, шаддодгина.

— Иккимизнинг турмушимизга, кўчаларда ёнма-ён юришларимизга ҳамманинг ҳаваси келсин, Баҳриддин ака, — деди Машкура тўй куни белгилангач, мулойимлик билан. — Шунинг учун кўзни ўйнатадиган турли-туман қимматбаҳо кийимлардан олиб беринг. Баҳриддин зўр келинчак топибди деб, кўрган душманлар куйиб кетсин. Тўйимиз ҳам бир бошқача ўтсин, одамлар ҳавас билан гапириб юришсин.

Баҳриддин онаси билан маслаҳатлашиб, келиннинг кўнгли қолмасин деб, Машкура билан дўконма-дўкон, бозорма-бозор айланиб, унинг кўнглидаги хилма-хил кийим-кечакларни ахтариб топишди.

Ниҳоят тўй ҳам бўлди. Машкура айтганидек, бир бошқача тўй бўлди. Тўй куни Машкура келинликнинг бир эмас, иккита жимжимадор оқ либосини кийиб ҳаммани ўзига қаратди. Бир бошқача, айни пайтда бир ғалати тўй бўлди. Фақат Машкура айтганидек, одамлар ҳавас билан эмас, балки ҳайрат ва ажабланиш билан эслаб юрадиган тўй бўлди.

Тўй бошлангач, кўп ўтмай келин билан куёв ўртани очиқ қолдириб ўтиришди. Бунга ёнма-ён ўтиришлари билан ораларида бўлиб ўтган мана бу гап баҳона бўлди:

— Синглингиз Матлуба ҳазилкаш экан-а, — гап бошлади Баҳриддин босиқлик билан астагина, — машинага ўтираётганингизда сизга айтган гапини эшитиб, шошиб қолибман.

— Шошиб қолманг. Мен ростанам, Матлубанинг айтганини қиламан. — Машкура жаҳл билан шундай дедию, Баҳриддиннинг ёнидан нари сурилиб олди.

Машкуранинг биринчи марта бундай қўпол муомала қилиши Баҳриддинни ўйлантириб қўйди. Унинг қўли қадоқ, ўзи меҳнаткаш, кўриниши содда бўлса ҳам кўнгли беғубор ва нозик, шу билан бирга ориятли ва босиқ, мағрур ва бир сўзли йигит эди. Матлубанинг Машкурага жиддий ва қатъий бир оҳангда айтган ўша гапи энди Баҳриддиннинг дилини хира қила бошлади, хаёлида фақат Матлубанинг Машкурага айтган бояги гапи айланаверди: «Бугун келин бўлиб борасан, эртага қайтиб келасан!»... — «Бугун келин бўлиб борасан, эртага қайтиб келасан!»

Машкуранинг синглиси ҳазиллашмаган экан, Матлуба айтган эртанги кун кўп узоққа чўзилмади. Тўй кечасиёқ Машкуранинг машмашаси бошланди. Кетаманга тушиб олди. Шу-шу «кетаман» сўзи-н и ҳар куни такрорлайверди. Уни маҳалла-кўй, қариялар инсофга чақирди. Кўпчилик бўлиб, маслаҳат беришди. Фойдаси бўлмади. Айниқса, онасининг бепарвогина «Қизимнинг Баҳриддин билан яшаш-яшамаслигини мендан эмас, Машкуранинг ўзидан сўранглар», деган сўзлари сувнинг бошидан лойқаланганлигини ошкор этиб қўйди. Баҳриддиннинг поччаси Машкурага «Муроса қилиб яшанглар, ҳаётларинг яхши бўлиб кетади» деганида, чиллалик келинчакнинг бу насиҳатга берган жавобидан кўпчилик ёқа ушлади:

— Ўйлаб кўрсам, Баҳриддин менга тўғри келмас экан. Сиз тузукроққа ўхшайсиз. Мени бегона қилмай ўзингиз қарамоғингизга обқўяқолинг... Йўқса кетаман...

Шаҳарлик қудаларнинг ҳам асоссиз важ-карсонлар билан Машкурага ён босганликлари қишлоқдагиларнинг ҳайратини баттарроқ оширди. Тўйдан беш-ўн кун ўтгач, Машкурани уйдагилари онаси бошчилигида олиб кетишди ва қандайдир бир муллага «ўқитиб» келишди. Сўнг Баҳриддинга тайинлашди: «Машкурани катта муллага ўқитиб келдик. Энди қирқ кунгача унинг олдига яқинлашмаслик, ҳатто қўлини ҳам ушламаслик керак»

Натижа шу бўлдики, энди Баҳриддин қирқ кунгача эмас, балки умрбод Машкуранинг қўлини ушламайдиган бўлди. Келин-куёв атиги бир ой ҳам бирга яшолмадилар. Ажралиш учун Машкуранинг ўзи судга ариза берди. Шу билан ора очиқ бўлди.

Одамнинг оласи ичида деганлари рост экан. Баҳриддиннинг хонадонидагилар Машкуранинг бу ердан бош олиб кетиш учун тўйнинг дастлабки кунлариданоқ замин тайёрлаб борганлигини, хусусан, қимматбаҳо кийим-кечак ва бошқа матоҳларни серқатновда келин-куёвнинг чиллалик хонасида тунаб қолаверадиган синглиси орқали аллақачон ташиб бўлганлигини соддаликлари туфайли кеч билишди.

Нима бўлганда ҳам энди «Бўлари бўлган, бўёғи синган» эди. Йигитнинг боши омон бўлса дўппи топилади. Дўппи топиладию аммо, Баҳриддин ҳаммасидан ҳам бева онасининг не азоб-уқубатлар билан элдан кам қилмай тўй қилиб бериб доғда қолганлигига, ношукур ва ноинсоф келиннинг найранглари туфайли юрак-бағрига тўлиб кетган дардларига даво тополмаётганлигига ачинади. Онаизор каби Баҳриддиннинг ҳам дардлари дунёга сиғмайди. Айниқса, онам бечора ўксимасин деб, Машкуранинг ўзи учун авалдан маълум бўлган, бироқ Баҳриддин учун фақат тўй кечаси аён бўлган нозик бир сирни ичига ютганлиги дилида доғ бўлиб қолди.

...Орадан бир неча йил ўтди. Ёлғизликдан зада бўлиб кетган ва зериккан Машкура яна ўша кўп қаватли уйнинг деразасидан кўчани кузата бошлади. Бири жажжи ўғил бола етаклаган, бири кўғирчоқдек қизча кўтариб олган бўйлари бўйларига мос йигит билан келинчак анча ўзини олдириб қўйган Машкуранинг эътиборини тортди. Айниқса бу хушбичим йигит кўзига иссиқ кўринди. Диққат билан разм солди. Баҳриддинку!.. Машкура беихтиёр ўзини панага олди. Уларни парда ортига яшириниб кузатди. Орқаларидан суқланиб, ҳавас билан, армон билан қараб қолди. Шу кўйи ўйга толиб қолди.

Нега Баҳриддиндан қочиб яшириниб олди? Аввалги ҳуснидан асар ҳам қолмаганидан, энди атир-упалар ҳам башарасига чирой беролмаётганидан уялдими? Йўқ, гап ундамас, фақат бировдан қарз бўлган одамгина ундан қочиши мумкин. Обдон ўйлаб кўрса, Машкура Баҳриддиндан, унинг онасидан қарздор. Қизлик орини йўқотган бўлишига қарамай, бир қалби пок йигитнинг олдида, унинг бева онасини қаддини дол қилди. Ҳам номигагина турмушга чиқди, ҳам уларнинг пешона тери билан топганларини ўмариб кетди. Бугун Баҳриддиндан қочиб яшириниб олди. Эртага бир жойда тасодифан унинг онасини кўриб қолса, ундан ҳам яшириниб қолиши мумкиндир. Аммо, ўз виждонидан яшира олармикан? Баҳриддин ва заҳматкаш онасининг бошига солган ситамлари таъқибидан қутула олармикан? Ҳар нарсани кўриб ва билиб турувчи Аллоҳдан қочиб қутула олармикан?...

Машкура хаёлан ўзига берган бу каби саволларга жавоб тополмасди...

***Қудрат ОДИНАЕВ.***



***Арабча рақсга тушаман.***
***Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган сурат..***

## *Келинг, бир кулишайлик*

### САНЪАТНИНГ ҚУДРАТИ

— Суратимни жудаям чиройли қилиб чизасизми? — сўради хоним мусаввирдан.

— Шубҳасиз, хоним. Сиз ҳатто ўзингизни танимай қоласиз.

### ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Имтиҳонга кирган талаба битта билетни олди — жавоб беролмади. Иккинчи, учинчи, ҳатто, тўртинчисини олганда ҳам, ўша аҳвол.

Профессор унинг имтиҳон қоғозига «қониқарли» баҳо қўйиб, узатди.

— Нима учун? — ажабланиб сўради талаба.

— Изланаяпсизми, демак ниманидир биласиз, — деди профессор.

### ОВИ БАРОРИДАН КЕЛДИ

Эр вокзалдан хотинига қўнғироқ қилади.

— Жонгинам, мен сафардан қайтиб келдим. Ҳозир ёнингга етиб бораман.

— Овинг бароридан келибди-да.

— Ҳаммаси жойида. Энди бир ойгача дўкондан гўшт олмайдиган бўлдик.

— Нима, сен кийик овладингми?

— Йўқ. Бор пулни ичиб тугатдим.

## *Об-ҳаво*

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 2-6 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида қуруқ ва иссиқ ҳарорат сақланиб туради. Шу даврнинг дастлабки кунларида кечалари 17-22, кундуз кунлари 33-38 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади. Кейинги кунларда ҳарорат бироз кўтарилиб, кечалари 19-24, кундуз кунлари эса, 36-41 даража атрофида иссиқ бўлади.

*Бўш вақтларингизда*

# ҚЎЛДА БОРДИР МОЛ-ДУНЁ



**ЭНИГА:** 2. Араб алифбосидаги харф. 5. Иркутск вилоятидаги шаҳар. 8. Туркман қабилаларидан бири. 9. Бош кийимига тақиладиган пат. 10. Олмон фалакиётшуноси В. Бааде очган кичик сайёра. 11. Қирғизистондаги оқмас шўррок кўл. 13. Меркурийнинг арабча номи. 14. Дурадгорлик анжоми. 15. Ҳўл мева. 16. Қўш-қўш либосли сабзавот. 20. Машҳур фаранг хонандаси. 22. Ниҳоят даражада камтар, содда. 25. Кимёвий элемент. 28. Ўрта ер денгизидаги орол. 29. Спорт кийими тури. 31. Рангсиз ўткир ҳидли заҳарли газ. 32. Турли шов-шувларга сабаб бўлган спорт юлдузи. 35. Сон. 36. Исо, Биби Марям ва авлиёлар тасвирлари. 37. Ёстиқнинг сиртқи жилди. 38. Оқ пар шаклидаги ёғин. 39. Кемада туриб сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб.

**БЎЙИГА:** 1. Араб алифбосидаги харф. 2. Раънодошларга мансуб чала-буталар туркуми. 3. Қўлдаги бор мол-дунё. 4. Қадимдаги Юнонистонда ёруғлик ва санъат худоси. 5. Тошкентда энг кўп тармоқлари бор фирма. 6. Мевали дарахтнинг энг биринчи солган меваси. 7. Ибора, гап, сўз. 12. Тянь-Шандаги кўл. 15. Узоқ Шарқдаги дарё. 17. Русиядаги халқ. 18. Инглиз романтик шоири. 19. Ширинлик тури. 20. Султонхон Тўранинг шоирлик тахаллуси. 21. Сув шимган, ҳўл. 23. Кўк, фалак, гардун. 24. Ўқувчиларнинг дам оладиган жойлари, масканлари. 26. Ислом давлат дини ҳисобланган Африкадаги давлат. 27. Кўп йиллик ўтсимон заҳарли ёввойи ўсимлик. 29. Бирор ишни ҳақ эвазига батамом қўлдан чиқариб бериш учун зиммасига олинган мажбурият. 30. Ўрта аср кимёгарлари орзу қилган «тош». 33. Эрон, Яман пул бирлиги. 34. Ширинлик.

***Тузувчи:***
***Тожиали УМАРОВ.***

**Газетамизнинг 15 июль сонида босилган бошқотирманинг ЖАВОБЛАРИ**

**ЭНИГА:** 5. Сазан. 8. Анонимка. 10. Арсенал. 11. Тараша. 12. Попов. 16. «Ася». 17. Наҳв. 18. Пайса. 21. Балерина. 22. Талас. 24. Руста. 25. Авом. 30. Манпар. 32. Барлос. 34. Нуҳ. 35. Рона. 36. Бандар.

БЎЙИГА: 1. Қарта. 2. Кобра. 3. Киншаса. 4. Ака. 6. Ацетон. 7. Алак. 9. Арагон. 13. Вали. 14. Авраам. 15. Дамас. 16. Астар. 19. Раста. 20. Тер. 23. Судан. 26. Валад. 27. Амир. 28. «Унэн». 29. Дала. 31. Рур. 33. Сор.

*Бўш вақтларингизда*

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар қўмитаси жамоалари вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаевага падари бузруквори

**Отахон ЖУМАНИЁЗОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент вилояти ҳокими муовини Хўжаева Сайёра Отахановнага падари бузруквори

**ОТАХОН ОТА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-705. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Қодиржон ҚАЮМОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6